

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МЕХНАТ КАФЕДРАСИ**

Исмоилова Нилуфарнинг

5140700 – тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун “ *Тасвирий санъатда дарсдан
ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатиш
методикаси* ” мавзусидаги битирув малакавий иши

Раҳбар:

Ўқитувчи Жумабоев Н

Гулистон - 2011

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3-9
 I-боб. Тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг назарий методологик асослари	
1.1. Дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлаш жараёни тадқиқот объекти сифатида.....	10-18
1.2. Акварель бўйёқлари билан ишлашнинг ўзига хос томонлари ва акварел бўёғининг асосий хусусиятлари.....	19-23
 II-боб. Тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатиш технологиялари	
2.1. Дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишни такомиллаштириш технологияси.....	24-28
2.2. Дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатиш йўллари.....	29-33
2.3. Тажриба-синов ишларини ўтказишнинг ташкилий асослари ва методикаси	34-41
Умумий хулосалар.	42-43
Адабиётлар рўйхати	44-45
Иловалар.	46-50

Кириш

Мактабнинг ўқувчилар билан олиб борадиган ўқув машғулотларидан ташқари хилма-хил таълим-тарбия ишлари синфдан ташқари ишлар номини олган. Синфдан ташқари ишлар мактаб таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми ўқувчиларнинг бўш вақтларини йўлга қўйиш формаларидан биридир.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни шахсни ҳар томонлама камол топтириш ва уни ҳаётга актив фаолиятга тайёрлаш учун кенг имкониятга эга. Бу ишлар болаларнинг қизиқишларига мувофиқ тарзда кўнгиллилик асосида ташкил қилинади. Ўқувчилар синфдан ва мактабдан ташқари ишларда ўзларини қизиқтирадиган машғулотларни танлаб олишади ва уларда мустақил ташаббускорона иштирок этишади.

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларининг ташкилий ишларини, мазмуни ва мақсадини белгилаш бугунги кунимизнинг барча қирраларини ҳисобга олишни талаб этмоқда. Синф ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганлиги билан тавсифланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун синфдан ва мактабдан ташқари, тарбиявий ишлар тизимида қуйидагилар бўлиши лозим :

– педагоглар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат муносабатлирини шаклландиришнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш ;

– улғайган инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир болма, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, ижтимоий ҳуқуқини эътиборда тутиш зарур.

Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўғараклар бир неча хилда бўлиши мумкин :

- а) фан тўғараклари ;
- б) моҳир қўллар тўғараклари;
- в) дурадгорлик тўғараклари ;

г) спорт тўгараги ;

д) бадий ҳаваскорлик тўгараги.

Ўрта умумтаълим мактабларида бу ишларни синф раҳбари ва тарбиявий ишлар ташкилотчиси уюштилади. Синф раҳбари тўғарак раҳбарларига яқиндан ёрдам беради. Қизиқишлари, интилишлари бир хил бўлган ўз ўқувчиларини бирор тўғаракка аъзо бўлишга чорлайди.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларни дунё қарашини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчиларнинг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчисининг вазифаларига қуйидагилар киради :

– дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишни назорат қилиш ;

– ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларни педагогик жамоа , ўқувчилар ташкилотлари синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш ;

– синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота–оналар, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш ;

–умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларга қатнашиш ;

– ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш .

Бу борада ташкилотчилар фаоллигини унча асосий томонини кўриш мумкин : ташкилотчилик, услубий ва маъмурий.

Булар кўпинча ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади.

Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қуйидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин :

–тарбиявий ишлар соҳасида эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш ;

–тарбиявий ишларнинг мақад ва вазифаларини аниқлаш ;

–тарбиявий,оммавий–сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмуни, шакл ва усулларини аниқлаш;

–синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни гуруҳлаштириш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Мактабда тарбиявий ишларни аниқ режалаштирмасдан унинг мазмуни, шакл ва усулларини аниқламасдан, маълум бир тизимга солмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эришиш қийин.

Синфдан ташқари ишларнинг тарбиявий таъсири кўп даражада ўқув жараёнини ташкил этиш савиясига ҳамда ўқувчилар жамоасининг хилма–хил ишларни қандай йўлга қўйишга боғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастур билан чегараланмайди, балки ёшлари ҳар хил ўқувчиларни ихтиёрий равишда бирлаштиради. Уларнинг ташаббуси асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиқтиради, уларни халқнинг маданий ҳаёти муҳитига олиб киради.

Синфдан ташқари ишлар шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ҳамда ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилдир. Бу фаолият илмий жамоа, адабий ва мактаб театрларининг ишлари, турли мавзуларда ўтказиладиган китобхонлар конференцияси ва мунозаралар, сиёсий, ахлоқий , илмий–оммабоп ва меҳнат мавзуларидаги маъруза ва суҳбатлар, ижтимоий–фойдали меҳнат, сиёсий ахборот. Байрам кечалари ва эртаклари, тўғарак машғулотларини ўз ичига олади.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмунига кўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан

ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади ва шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади.

Ўқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли кишилар билан муайян муносабатга киришади, турли вазифаларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой, муносабат доираси кенг ва маънавий ўсиши самарали бўлади. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўқувчилар жамоада ишлашни ўрганадилар ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиладилар, ишлаб чиқариш меҳнатига кўшиладилар, жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга одатланадилар. Мактабдан ташқари фаолият унда қатнашувчиларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларига кўра белгиланади. Бу жараёнга улар таълим олаётган мактабнинг шароити ҳам таъсир этади. Гарчанд мамлакатимиздаги барча мактабларнинг вазифалари бир бўлса-да, ўша мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари бор ва бу хусусиятлар маданий ва миллий шароитларда яққол кўринади. Тарбиячилар, синф раҳбарларининг синфдан ва мактабдан ташқари олиб борадиган тарбиявий ишларида қуйидаги иш усулларидадан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

1. Оғзаки иш усуллари. Турли ахборотлар, мажлислар, эрталабки йиғинлар, маърузалар, китобхонлар конференциялари, мунозаралар, учрашувлар, оғзаки газеталар, радиожурналлар.

2. Амалий иш олиб бориш усуллари. Турли жойларга саёҳатлар, спорт мусобақалари, олимпиада, изтопарлар иш фаолияти, ёш табиатшунослар тўгараклари, шанбаликлар.

3. Кўргазмали иш усуллари. Мактаб музейлари, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари хонаси, янги китоблар кўргазмалари.

Тарбиявий иш педагогдан бутун қобилиятларини ишга солишни, тинмай изланишни тақозо этади. Чунки келажак авлод тарбияланган,

уюшган, ахил, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлишлари лозим.

Мактабларда тасвирий санъатдан дарсдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия ишлари йўлга қўйилган бўлса-да, аммо уларни олиб бориш жараёнида халигача камчиликлар аниқланмоқда. Шундай камчиликларни олдини олиш ва бартараф этиш учун биз битирув малакавий ишимизни “Тасвирий санъатдан дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатиш” мавзусида танлаб олдик. Ажаб эмас бу битирув малакавий ишимиз келажакда дарсдан ташқари машғулотлар учун методик қўлланма ёки маърузалар матни сифатида хизмат қилса. Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб биз битирув малакавий ишимизни долзарб муаммо сифатида талқин қилиб, ўз олдимизга қуйдагича мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик.

Тадқиқот ишининг мақсади: Тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг мазмунини, шарт-шароитларини ва педагогик технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчилар билан акварельда натюрморт ишлаш жараёни.

Тадқиқот предмети Тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлаш технологияси мазмуни.

Тадқиқотнинг вазифалари :

1. Тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишда машғулотлар ўрни ва аҳамияти, уларни ташкил қилишнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиш.

2. Синфдан ва мактабдан ташқари таълим–тарбия жараёнида акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг мазмуни ва шакллариغا қўйиладиган замонавий талабларни белгилаш.

3. Педагогик тажриба-синов ишлари ёрдамида дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашнинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва уларнинг янги педагогик технология тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: ўрганилаган мавзу юзасидан илмий-назарий, педагогик-психологик, методик адабиётларни ўрганиш; акварелда натюрморт чизиш ишларини такомиллаштиришдаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш; Тадқиқот мавзуга оид автореферат ва диссертация ишларини таҳлил қилиш; кузатиш, қиёслаш, умумлаштириш, суҳбат, анкета, тест, ўзлаштиришни назорат қилишнинг рейтинг тизими; педагогик тажриба-синов; олинган натижаларни математик статистика методлари воситасида қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг методологик асослари, «Таълим тўғрисида» ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг дастурий ҳужжатлари; баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги И.А.Каримовнинг методологик аҳамият касб этувчи асарлари; Тасвирий санъатдан давлат таълим стандартлари ва концепцияси, мавзуга оид илмий-амалий ва оммабоп ҳужжатлар тадқиқотимизнинг методологик асослари бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Тасвирий санъатдан дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг умумий ўрта таълим мактабларидаги ўрни ва аҳамияти аниқланди.

Тасвирий санъатдан дарсда ташқари машғулотларда ўқувчиларга акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг замонавий механизми ишлаб чиқилди ва асосланди.

Ушбу танлаб олинган битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан машғулотлар мазмунини танлашнинг ташкилий-педагогик мезонлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти:

- Тасвирий санъатдан дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатиш методикасининг илмий асосланганлиги;

- Дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишда ўқитишнинг янги педагогик технологияларидан фойдаланиш

хусусиятлари таҳлили асосида машғулотларни ташкил қилиш мақсад ва вазифалари мазмун, метод, шакллари асослаб берилганлиги;

- Дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг ишлаб чиқилган тузилмаси асосида уни ривожлантириш омиллари асосланганлигида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти:

- Дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатиш жараёнида машғулотларнинг ўрни ва аҳамияти белгилаб берилганлиги;

- Тасвирий санъатдан дарсдан ташқари машғулотлар мазмунини замонавий таълим методлари билан бойитиш имкониятини берувчи ўқув режалари ишлаб чиқилганлиги;

Тадқиқот ишимизнинг базаси. Тадқиқот ишлари Сирдарё вилоят Гулистон шаҳридаги 9-сонли, мактабда амалга оширилди.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, 5 та банд, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалар қисмидан иборатдир.

I-боб. Тасвирий санъатдан дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг назарий методологик асослари

1.1. Дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлаш жараёни тадқиқот объекти сифатида

Дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлаш учун ўқувчилар энг аввало акварель ҳамда натюрморт каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини, келиб чиқиш тарихини билиб олишлари зарур. Қуйида ана шундай маълумотларни келтириб ўтамыз.

Акварел бўёқлар қадимги Миср мусаввирларига таниш еди. Бизгача улар папирусда ишланган нақшлар орқали етиб келган. Ушбу бўёқлар боғловчи моддасининг келиб чиқиши сувда эрийдиган ўсимлик елимлари бўлган. Ушбу турдаги акварел таркибида оқ бўёқ бўлганлиги учун у замонавий гуашга яқин еди.

Акварелли рангтасвирнинг ривожланиши XII асрда китоб ранг-тасвири беағи билан боғлиқ. Буни форс миниатюралари мисолида кўришимиз мумкин. Бу усул кейинчалик Шарқ давлатларига тарқалиб кетган. XV асрларга келиб тоза елимли сув бўёқдан фойдаланилган (кўшимча моддасиз). Ушбу бўёқлар ўзининг тозаллиги, шаффофлиги билан ажралиб турган. Аср ўрталарига бориб мусаввирлар нафақат китоб муковаси беағида, ҳатто расм ва бадийи безакларда ҳам елимли, сувда эрийдиган бўёқлардан фойдаланишган. Ғарбда акварел бўёқларининг техник имкониятлари биринчи бўлиб Албрехт Дюрер (1471 — 1528) томонидан кенг очиб берилди. Буни мусаввирнинг манзарали суратларида кўришимиз мумкин. XVII аср бошларида акварел мустақил рангтасвир турига айланиб, XVIII аср, ва айнан, XIX асрда инглиз рангтасвирчилари шарофати билан ривож топиб, юксак даражага кўтарилди.

Акварел икки хил усулга бўлинади: 1. Инглиз усули (техникаси) — намланган қоғозга рангтасвир чизик қисмларини умумий қуюқ тус бериб бўялади ва ёруғликлар мўйқалам ёрдамида ювилади. 2. Италияча усул — қуруқ қоғозга бўёқнинг усма-уст кўп қатламини ишлаш орқали еришилади.

Россияда акварелда рангтасвир усулининг жадал ривожланиши XIX асрдан бошланди. Бугунги кунда акварелда рангтасвир ишлаш техникасининг ривожланганини республикамызда намойиш етилаётган кўргазмалардаги акварелчи рассомлар М. Содиков, Д. Мурсалимов асарларида кўришимиз мумкин. Бу рассомлар юқорида кайд этилган усулда ишлашади ва акварелли рангтасвир усулига катта аҳамият беришади.

Акварел бўёқлари елимли шаффоф бўёқлар гуруҳига киради. Акварел сўзи, лотинча «аква» — «сув» маъносини билдириб, унинг еритувчиси ҳисобланади.

Ўсимликдан олинган елимлар акварел бўёқларининг боғловчиси ҳисобланади, булар гуммларабик ва декстрин, сувда тезда ерийдиган елимлар. Акварел бўёқларига пластификатор сифатида глицивинин ва инвертирланган қанд, айрим ҳолатларда асал ҳам қўшилади. Шундай қилинса, егилувчанлик сифати ошади ва тез ерийди, ишлаш жараёнида анча қулайликлар яратади.

Глицивинин намликни узоқ сақлайди, бўёқларнинг тез қуришига ва мўрт бўлиб қолишига йўл қўймайди. Акварел бўёқларга юза активли модда, буқа ўт пуфаги моддаси киритилади. Шу билан қоғозда энгил бўйаш имконияти яратилади, чунки буқа ўт пуфаги моддаси бўёқларнинг томчи бўлиб йиғилиб қолишига йўл қўймайди. Бўёқларнинг моғорлашига қарши ва бунинг олдини олиш учун антисептик фенол қўшилади.

Акварел — ягона бўёқ тури, ўзига хос тоза, тиниқ ва ёрқин ранглилиги билан ажралиб туради. Бунга нафақат тоза материаллардан фойдаланиш билан, балки дисперсли, пигментларни махсус ишқалаш, туюш орқали жуда ҳам майин кукунга айланиши орқали еришилган.

Натюрморт — тасвирий санъатнинг ўзига хос мустақил жанридир. «**Натюрморт**» (натуре морте) французча сўздан олинган бўлиб, «жонсиз табиат» деган манони билдиради.

Натюрмортда кўпинча уй-рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари, сабзавот-мевалар, гуллар, паррандалар ва шу каби нарсалар тасвирланади.

Натюрморт санъати инсон маиший ҳаётининг зарур буюмлари дунёсини акс еттиради. Натюрморт санъатининг намуналарини қадимги Мисрда деворларга ишланган суратларда, Қадимги Юнонистоннинг мозаикаларида учратиш мумкин. Хитой санъатида X-XI асрларда натюрморт мустақил жанр сифатида ривожланган. Бу даврда ижод қилган мусаввирлардан Чжао Чан, Суй Бо ажойиб асрлар яратганлар.

Европада натюрморт санъати XVII асрга келиб Голландия. XVIII асрда Франция тасвирий санъатида кенг тарқалди.

Голланд мусаввирларидан Питер Класс, Ян Ван Гейсум, Ф. Снайдерс ва франциялик Жан-Батист Шарденларнинг натюрморт асарларида рангтасвир санъатининг нодир намуналарини кўрамиз.

Рус мусаввирлари И. Хруский, И. Репин, В. Серов, И. Машков, Н. Кончаловский ва бошқаларнинг натюрморт асарлари намуна бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек мусаввирлари Р. Аҳмедов. Ж. Умарбеков, А. Юнусов, С. Абдуллаев, Л. Салимжоновалар натюрморт жанрида самарали ижод қилмоқдалар.

Натюрморт тузиш – ижодий ишдир. Унда мусаввирнинг диди ва лаёқати, композицияни фикрлай олиш маданияти намоён бўлади. Тасодифан териб қўйилган нарсаларни натюрморт деб бўлмайди.

Мазмунли натюрморт асари яратиш фикри мусаввир ҳаётида узоқ давом етган кузатишлар ёки бирор нарсадан таъсирланиш натижасида пайдо бўлиши мумкин. Ижодкорнинг кўз ўнгида бўлажак асар – натюрморт гавдаланади. Унга мос нарсалар танланиб, хомаки эскизлар чизилади. Эскизлар асосида композиция яратилади.

1. Мавзу танлаш
2. Натюрморт мавзусига мос нарсалар ва газмол матолар танлаш.
3. Буюмларнинг шакл тузилиши, ранг ва тусларини бир-бирига монанд жойлаштириш.

4. Нарсаларнинг катта-кичиклиги, хажми, модели ва ёритиш хусусиятларига ижодий ёндошиш.

Натюрморт тузиш мақсадига қараб ўқув ва ижодий бўлиши мумкин. Ўқув натюрмортлари ижодий натюрмортдан, албатта, фарқ қилади. Ўқув натюрморти маълум дастур талабини ўрганиш учун бажарилади.

Рангтасвир асари буюмларнинг барча хусусиятлари, шакли ва ранг, каттиқ-юмшоқлиги, сиртининг ялтироқ ёки хиралигига қараб тасвирланади. Ҳаққоний тасвирланган натюрморт асарларидан меванинг мазаси, гулларнинг ҳиди келиб туради. Бунга еришиш учун рангшунослик назариясини, бўёқларнинг хусусиятларини яхши билмоқ керак. Тасвир ва натура ўртасида нисбат уйғунликларини тўла ифодалай олиш талаб этилади.

Натюрмортда нарса, буюмларнинг ёруғ-соя кучларини фарқлашни ўрганишда, бир хил рангдан фойдаланиб (гризайл) усулида бажариш мақсадга мувофиқдир.

Гризайл усулида акварел, гуаш, мойбўёқ ва бошқа материаллардан фойдаланиш мумкин. Гризайл учун одатда тўқ ранглар танлаб олинади. Натюрмортнинг қалам эскизига мувофиқ, нарса ва буюмларнинг чизиқли расми бажарилади.

Қоғоз юзасида композиция аниқлаб олингандан сўнг энг ёруғ ва энг соя жойлари аниқ чегараси белгилаб чиқилади. Башарти расм кир бўлиб қолса уни янги қоғозга бирор ёритиш мосламаси орқали кўчириб олиш мумкин. Бу босқичларнинг вазифаси, нарсанинг энг ёрқин жойи, соя, ярим соя, рефлекс, буюмнинг тушувчи соялари аниқ чизиқлар воситасида белгилаб олишдан иборат.

Натюрмортда ранг муносабатларини аниқлаш. Нарсанинг асл ранг тусларини тоза-ёрқин бирлиги қатлами бўялади. Юзада ҳар бир буюм шакли майда бўлақларсиз умумий яхлит хажми бўяб борилади. Сувбўёқ билан ишлашда оқ бўёқ сифатида қоғознинг ўзидан фойдаланилади.

Натурадан рангтасвир ишлаш жараёнининг ўз қонуниятлари мавжуд бўлиб, бу ишни тартиб билан олиб бориш талаб этилади. Кетма-кетлик

тартибини англаган холда бажарилган иш махсули муҳим аҳамиятга эгадир. Ишни нимадан бошлаш, унинг орасида қандай талабларга жавоб бериш ва қай ўринда тугаллаш кераклигини яхши билмоқ зарур. Рангтасвир бажаришни зарур бўлган қуйидаги талаблар махсулидир. 1) натурада мужассам умумий ёруғ-соя, ранг-туслар ва муштарак ранглардан ёруғ-сояни, ранг-тусли уйғунликлар мавжуд бўлган катта бўлакларни аниқлаш; 2) ёруғ-сояли, ранг-тусли уйғунликлар катта бўлагида, ёруғ-соялар ва ранг йўналишлари, айрим нарса сиртига ранглар билан муттасил ишлов бериш; 3) умумлаштириш, бутун тасвирнинг яхлитлигига эришиш, композиция марказини ажратиб кўрсатиш. Қўйилган талаблар моҳиятини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Рангтасвирнинг тўлақонли ифода этилганлигини ёруғ-соя, ранг-тус контрастлари, натуранинг асосий ранг бўлакларига ўзаро уйғунликлари билан белгиланади. Бу жараён натюрмортда – фон билан стол юзаси, қўйилган мажмуа буюмлари орасида, манзарада эса осмон билан ер юзи ва дарё сувининг сатхи, шунингдек олдиндаги план, ўрта план ва охириги планлар орасида содир бўлади. Агар асосий ранг-туслар уйғунликлари этюдда ҳаққоний акс этмас экан, кейинчалик зўр бериб ишланган қисмлар, рефлекс, буюм сиртлари ёки манзара майдонларига берилган ранглар мозаикаси рангтасвирнинг ҳаққонийлигини бера олмайди. Чизги сиртларда ҳам айнан шу талаблар бажарилишини яхши биламиз: биринчи галда буюм конструкциясининг асосий мутаносибликларини (пропорция) ифодаловчи умумий ката шакл чизиб олинади. Чизаётган киши натурани умумий ва яхлит тасаввур қилар экан, бу вазифалардан четлаб ўта олмайди.

Рангтасвирни бошлашдан аввал натуранинг умумий ранг ифодаларини диққат билан ўрганиб олиш зарур. 5-10 дақиқа вақт сарфлаб бўлса-да натуранинг асосий ранг уйғунликларини кузатиб, уни англаб олиш зарур: энг тўқ ва энг оч ранг доғларининг қаерда жойлашганлиги, ранг тусларининг кучдаги фарқларини кузатиш шулар жумласидандир. Масалан, сариқ олмаларнинг фонидаги сариқ матога солиштирганда, уларнинг фонга

нисбатан очроқлиги, сариклиги эса кучлироқ эканлигини тасаввур қилиш зарур. Шундай экан, натура мажмуаси нарс-буюмларнинг асосий ранг тафсилотлари, рангларнинг уч хусусияти бўйича намоён бўлади.

Айрим объектлардан умумийликни қидириб топиш, натуранинг катор иккинчи даражали аломатлари қисмларидан рассомни халос этади ва ундан фақат ранг муносабатлари бўйича талаб этилган вазифаларга, етакчи ранг, ранг ва тус уйғунликларини келтириб чиқариш, ранг-туслар уйғунликларини ва ранг ҳолатларига эътиборни жалб қилишни талаб этади. Шу тариқа натурада рангларнинг жойлашиши қонуниятларини эгаллашга, этюднинг кейинги қисмларига ишлов беришга замин яратилади.

Ранглар уйғунлигини аниқлаб олиш учун аввало, натурадан энг ёрқин ва интенсив ранг билан энг тўқ ранглар топилади, қолган барча амалларни уларга таққослаб аниқлангани афзал. Кейинги ранг-туслар камроқлиги, ёрқинлиги, оч-тўқлигига қараб тартиб борилаверади. Энг сўнггида мураккаб ранг ҳисобланган кулранг ва унинг туслари берилади.

Бошланғич ранг-туслар ҳар қачон ҳам энг оч ва энг тўқ қилиб олинмайди. Энг тўқ ранглар ҳам ҳар доим ҳам учрайвермайди. Масалан, натюрмортга қўйилган қизил помидор учун қизил кадмийни олмасдан, унинг ёрқинлигини эҳтимол 50%га пасайтириш зарур бўлади, шунингдек баҳор фасли яшил оламни тасвирлар экансиз, ёрқинликни ошириб юборишдан эҳтиёт бўлиш керак, акс ҳолда этюд ола-була бўлиб қилиши мумкин. Шу боис, ишни бошлашдан олдин умумий ранг-туслар, уларнинг кучи, қанақа ранг гаммасига мансублиги, қай даражада очроқ ёки тўқроқ эканлигини аниқлаб олинади бошқача қилиб айтганда, натуранинг умумий ранг-туслари ҳолати аниқланади. Бу ҳолатни сақлаб қолиш учун балким, вазминроқ ранглардан фойдаланиш мақсадг мувофиқ келар. Башарти ишни бироз очроқ ёки тўқроқ ранг-туслар билан бошлар эканмиз, палитранинг бутун кучини оқ билан энг тўқ, энг ёрқин билан кескин рангларни сафарбар қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Ранг-туслар уйғунликларини қидириб топишда умумийликдан қисмлар томон бормоқ лозим. Авваламбор асосий объектлар оралиғидаги ранг-туслар фарқи аниқланади. Масалан, натюрмортда фон билан стол ялтираб турган жойи орасидаги фарқлар билан таққослаб қидирилади. Манзара тасвирлашда биринчи галда осмон билан йер сатхи, айрим нарсаларнинг бир-бирларига ва умумийликка уйғунликлари аниқланади. Портрет ва одам қоматларини тасвирлаб ҳам шу тарика бошланади.

Рассомчилик амалиётида «катта ёруғ», «катта соя», «катта сирт», «катта ранг уйғунликлари» деган касбий тушунчалар мавжуд. Мазмунан, натура объектларини яхлит кўриш ва яхлит тасвирлаш демакдир. Натурани яхлит идрок этишда унинг ёритилган яхлит бўлаги ичида мавжуд ранг-соялари, яхлит соя қисмига нисбатан тенглашадиган бирор жойи бўлмайди. Шунингдек бу тушунча «ўзининг сояси» (хусусия соя) ва «тушувчи соя»ларга ҳам тегишлидир: чунончи соя ярим сояга нисбатан шубхасиз кучлидир, ярим соя эса тасвирнинг ёритилган қисми билан куч жиҳатдан тэнг бўлмайди. Соя ичидаги рефлекс ярим сояга нисбатан очроқ бўла олмайди ва у хусусий соянинг умумий ранг-туслари кучига бўйсунди. Буюмлар сиртларида яхлит ранг-туслар, ёруғлик кучининг тўғри тақсимоти, тасвирнинг яхлитлиги ва ҳаққонийлигини акс еттиради. Катта ранг уйғунликлари ва шу каби барча омиллар натура тафсилотини бериб турган колоритга мос равишда олиб борилади. Кам тажрибали, натурага қараб чизишни йетарлича машқ қилмаган рангтасвирчилар натюрморт, манзара, портрет ва шу кабилардан этюд ишлар экан, натура характериға монанд колорит ва ранг уйғунликларини ҳам доим ҳам ҳаққоний бера олмайдилар.

Рангларни палитрада бир маротаба топиб олиб уни фақат очартириб ёки тўқартириб бутун нарсани тасвирлаш мумкин емас, балки нарса-буюм юзасининг ҳар бир қисми учун махсус ранг тусларини қидириб топиш керак бўлади. Асл ранглар (буюмларнинг ўз ранги) ярим сояларнинг асосий ёритгичлар ва акс ёруғлар таъсирида жуда кам ўзгаришлари боис, улар ичида кўзга яққол кўриниб туради.

Хажмли нарсалар ва натура мажмуаларининг ранг-баранглигини янада кенгроқ англаш учун шуни ёдда тутмоқ жоизки, ёндош илиқ ранглар контрастлари таъсирида кўзга совуқ ранг-туслар кўринади. Бир ранг кўшимча иккинчи рангни ифодалаб туради. Бунинг натижасида натурада мавжуд совуқ рангларга доимо илиқ ранглар ҳамроҳ бўлиб юради. Агар жисм сиртида олов рангни кўраётган бўлсак, унинг ёнида, албатта ҳаворангни ҳам учратамиз.

Илиқ ва совуқ ранг-туслар уйғунликларида бажарилган тасвир ҳар бир жисмнинг жарангдорлигини ошириб, натуранинг табиий кўринишини ифодалаб беради.

Тасвирланаётган нарсалар, буюмларни бир-бирига ўхшашлиги ёки фарқларини таққослаб кузатиш ишни бир мунча енгиллаштиради. Масалан, ҳаворангли нарсани бошқа бир тус жиҳатдан бошқача бўлган ҳаворангли нарсага солиштириб кўрсак, бизнинг сезги-идрокимиз янада жиддийлаша боради ва уларнинг ранг тусларини, фарқини аниқроқ белгилай оламиз.

Нарса – буюмларни ранг жиҳатдан таққослар эканмиз, яна бир вазиятни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Мавжуд ранг контрастлари таъсирида кулранг туслар илиқ ёки совуқ бўлиб кўринади. Кулранг илиқ ранглар орасида совуқ, совуқ ранглар орасида илиқ тусда намоён бўлади. Шу боис нарса-буюмлар тусларини аниқлашда рангсизларни рангсизлар билан, илиқ рангларни, илиқ ранглар билан, совуқ рангларни совуқ ранглар билан, очларни очлар, тўқларни тўқлар билан таққослаш яхши самаралар беради.

Ишнинг ниҳоясида натюрморт, манзара ёки портрет айрим жойларида талаб этилган ёрқинлик келиб чиқмади, ёруғ-соя, ранглар бўйича ҳаддан зиёд кучли бўлиб, умумий етакчи ранг гаммасидан «отилиб» чиқиб қолди. Баъзан соялар ичидаги нарсалар ола-була бўлиб кўзга ташланиб қолади. Бундай вазиятда барча муаммолар умумлаштириш йўли билан йечим топади: қисмларнинг кескин чегаралари юмшатилади, айрим нарсаларнинг рангини бўқикроқ ёки кучлироқ қилиб берилади, баъзи жойлар очартирилади ёки тўқлаштирилади. Иш жараёнида, қараб, яхлит кўриш-малакали рангтасвир

асосининг энг асосидир. Шу малакани эгаллаган рассомгина, натурани образли кўриш у ердан асосий нарсани топа олиш, ҳар бир қисм-бўлақларнинг ўз жойини топиш, тугаллик даражаси, композиция марказига бўйсундириш каби амалларни ҳаққоний уддалай олиши мумкин.

1.2. Акварель бўйёқлари билан ишлашнинг ўзига хос томонлари ва акварел бўёгининг асосий хусусиятлари

Акварелли рангтасвир энг мураккаб бадиий усуллардан бири ҳисобланади. Бу рангтасвир тури узоқ муддат амалиёт билан шуғулланишни тақозо этади. Бунга нафақат тоза бадиий усул билимига ега бўлиш, шу билан бирга бўёқларнинг ўзаро нисбий уйғунлигини ҳам ҳис этиш лозим.

Акварел бўёқларининг ёрқин ва шаффофлиги қоғознинг оқлик даражасига боғлиқ, шунинг учун қоғоз танлашда нафақат ланинг сифати муҳим, балки унинг қанчалик оқлиги ҳам катта аҳамиятга ега. Қоғознинг сифат даражаси шундай бўлиши керакки, агар қоғознинг бир жойига бир неча маротаба бўёқ қатлами устма-уст бўрилса ҳам қатламлар орасидан яхши ёритиб бериши лозим.

Акварелнинг энг муҳим кадр-қиммати шаффофлигида. Қоғоз жуда ҳам оқ, юқори сифат даражали бўлиши шарт. Сарғайиб бораётган қоғоз акварелли рангтасвирнинг барча ранг тизимини ўзгартириб юборади. Қоғознинг оппоқлиги рангтасвир ичидан ёруғлик сочувчи манба, шунинг учун қоғоз бу рангтасвир турида ёруғлик берувчи экран ҳисобланади. Бундан ташқари, оқ қоғоз акварел бўёқнинг оптик оқартирувчиси бўлиб хизмат қилади. Бу — рангтасвир турининг палитрасида оқ бўёқнинг йўқлигидан далолат беради.

Қоғоз турини танлашда унинг тасвир хусусиятларига бутунлай мос келишини ҳисобга олиш зарур. Қоғоз мўйқаламнинг ҳар бир тегишига ҳамоҳанглик билан жавоб бериши ва маромидан буриб юбормаслиги керак.

Фактураси майда донли қоғозлар ҳажм жиҳатидан унча аҳами ятга ега бўлмаган предметларни рангтасвирлашда қўлланади, кўпроқ интерьер ёки унча эътиборсиз шаклларни тасвирлашда ва яна уларнинг нозик ҳаво фазолилигини ифодалашда ишлатилади.

Йирик донли қоғоз, кескин фактурали предметларни ифодалашда қўлланилади. Йирик фактурали қоғоз рангтасвир юзасининг сифатини бойитади. Бу юзадаги бир бўёқнинг ҳар хил тусга кириши қоғоз юзасига қай

тарзда ётишига боғлиқ. Бундай бир-биридан ўтиб бориш таниш ранг ўйинини еслатади, бунақасига силлиқ қоғозда еришиш мумкин бўлмайди.

Рангтавир учун тайёрланган қоғоз тоза ва йетарлича нам бўлиши керак. Ишлашдан олдин қоғоз совунли сувда ювилган бўлиши шарт. Бунинг учун оз миқдорда ишқор ҳамда болалар совунидан оз миқдорда еритма тайёрланади ва қоғоз юзаси ювилади. Қоғознинг икки тарафи ҳўлланади, бу билан қоғознинг тез қуришидан сақланилади ва бир хил тарзда нам қочган сари қисқариб, текис ўтиради.

Акварел бўёқларининг асосий хусусиятлари.

Оч рангли охра бўёғи. Охра совуқ ранг қуёш нурига чидамли лекин охрани темир идишда қориштириш тавсия етилмайди. СХунки идишда кимёвий реакция содир бўлиб айниб кўкариб кетади.

Лимон ранг кадмий. Бунинг асосий хусусияти кўриниши жиҳатидан хирароқ бироқ гуашга ўхшаб кетади. Ёруғликка чидамли.

Ёрқин оч сариқ тусли бўёқ. Кўриниш лимон рангига ўхшаб кетади, ёруғликка чидамли.

Сарғиш жигар ранг тусли бўёқ. Бу бўёқ сарғиш-жигар ранг тусга ега. Охрага ўхшаб кетади. Ёруғликка чидамли.

Олтин тусли сариқ бўёқ. Бўялувчан хусусиятга ега. Туси жуда ёрқин, илиқ қоғозга яхши суркалади. Кўриниши жиҳатидан ипакка ўхшаб кетади. Бунга баргкарам ёки ҳаворанг "БТС" кўшилса хинд сариги тусига ўхшаб кетади. Ёруғликка чидамли.

Зарғалдоқ бўёқ. Бу бўёқ ҳам лимонранг кадмийга ўхшаб ёрқин тусга ега, сувни камроқ кўшиб еритиш керак, қоғозга суртилганда текис ётмайди. Қуёш нурига чидамли.

Қизғиш малла бўёқ. Бу бўёқ қизил жигаррангга ўхшаб кетади, ўзининг ўта ёрқинлиги билан ажралиб туради, қоғозга юпқароқ суртилса, кўриниши юмшоқ, сарғиш, жигарранг тусини беради. Ёруғликка чидамли.

Ёрқин қизил. Бу ўта тиниқ ва кучли таъсирчан бўёқди. Кўриниши илиқ ранг тусига ега, шунинг учун қоғозга ишланганда бу бўёқни ехтиётлик билан камроқ ишлатиш лозим. Уни ювиб ташлаш қийин бўлади.

Қирмизи ранг бўёқ.Жуда кучли татимли бўёқлардан бири. Кўриниши қизил малинага ўхшаб кетади. Қоғозга суртилганда текис ётади. Лекин ювиб ташлаш қийин бўлади. Ишлатганда эхтиёт қилиб фойдаланиш лозим.

Ёрқин қизил ранг.Бу бўёқ ҳам жуда ўткир, ёрқин қизил малинага ўхшаб кетади.Лекин совуқ тус берувчи бўёқдир. Аслини олганда қирмизи бўёқга жуда ўхшайди. Ёруғликка чидамли.

Гилос рангли бўёқ. Бу бўёқ кўриниши жиҳатдан жигар рангга ўхшаб кетади. Ёруғликка чидамсиз..(2 балл).

Зангори ранг бўёқ.(ултрамарин) Бу бўёқ кўк ранглар ҳисобидан илиқ тус берувчи рангдир. Қоғозга ишлатишда ехтиётлик зарур,чунки ўта кучли татимлидир, шунинг учун бўёқни ёмғир ёки дистилланган сувда еритиши мумкин.Бўёқ қоғозга текис суртилади. ЁОруғлиликка чидамлилиги 3 балл.

Мовий ранг бўёқ.(кок кобалт) Бу бўёқ кўриниши жиҳатидан жуда нозик ва ёқимли кўк рангдир. Қоғозга суркалганда жуда текис ётмайди. Қуёш нурида кўкариб ва қорайиб кетади.

Мовий нилоби бўёқ. Бу бўёқ жуда тиниқ ва ёрқин ранглардан биридир.Совуқ тусли бўёқ. Ехтиётлик билан мўйқаламга камроқ олиб қоғозга суркаш керак. Қуёш нурига чидамлилиги 4 балл.

Зангори ва барг ранглар. Жуда тиниқ бўёқлар. Бу икки бўёқ бир - биридан фарқ қилади. Совуқ тусга ега. Қуёш нурига чидамлилиги 4 балл.

Мош ранг бўёқ.Тамаки барги. Рангига яқин, совуқ тусли, бўёқ ярим тиниқ, рангги ва фактураси хирароқ. Қуёшга чидамлилиги 5 балл.

Жигар ранг бўёқ .Илиқ ,тиниқ ва ёрқин кўринишга ега. Қоғозга яхши суртилади. Осонлик билан ювиб ташлаш мумкин. Қуёшга чидамлилиги 5 балл.

Шангоф, ёрқин қизил бўёқ. Бўёқ тоза, тиник, ёрқиндир. Кўриниши жиҳатдан қизил зарғалдоқ рангли. Қоғозга бир текис ётади. Осонлик билан ювиш мумкин. Қуёшга чидамлилиги 4 балл.

Сарик бўёқлар. Ўзига хос тусга ега бўлган сарик бўёқ. (сарик хром)
Бу ўткир тусли жуда бой тус берувчи оч сарик рангдан то тўқ сарик берувчи бўёқдир. (булар кўргошиндан тайёрланувчи бўёқлар қаторига киради.)

Оч лимон рангли бўёқ. (Неополитанская желтая). Бу бўёқ сарик рангли бўёқлар қаторига киради. Икки хил усулда тайёрланади.

1. Вулкандан маъдан усулида олинади.

2. Сунъий усулда олинади.

Ёрқин олтин тусли сарик бўёқ. (кадмий сарик). Жуда ўткир, ёрқин, илик тус берувчи бўёқдир. Қуёшга чидамлилиги 4 балл.

Хинд сариги. Бу бўёқ олтин тусли сарғиш ранг берувчидир. хиндистонда, Бангладешда сигир ва туяни хурмо барги билан бокиб, унинг сийдигини филтрдан ўтказиб, кимёвий усулда ишлаб хинд саригини ишлаб чиқарганлар. Ўткир ёрқин тусли тиник бўёқдир.

Оч рангли сарик бўёқ. (Стронцион сарик) Бу лимон рангига ўхшаш бўёқдир.

Қизил бўёқлар.

Ёрқин тусли қирмизи ранг. Бу бўёқнинг бир неча тури мавжуд. Кактус ўсимлигига уруг кўйювчи хашорат (кошенил) Ява, Жазоир, Испанияда бўлади. Бу хашоратни жонсизлантириб қуритилади ва ҳавончада янчилиб ун холига келтирилса, кармен номли бўёқ ҳосил бўлади. Бу бўёқ қуёш нурида айнамайди.

Қирмизи бўёқнинг бир тури. (Кермесовўй кармен) Бу бўёқ ҳам кармэнга ўхшаб бир неча номлар билан аталади. Бундай бўёқларни қизил дуб дарахтида яшовчи қўнғизчаларни (шм.Америкада, Жанубий Йевропада

яшайдиган чувалчанг, кармено ёки "червлен" деб аталади.) яхшилаб куритилиб, ҳавончада янчилиб тайёрлаш мумкин.

Сандал дарахтидан тайёрланган қизил лак. Ҳиндистон, Филлипин оролларида усадиган қизил сандал дарахтини майдалаб 10 % сода солинган сувда кайнатиб олинади ва ажойиб қизил лак бўёғи ҳосил бўлади. Қуёш ёруғига чидамли. Тиниқ ёрқин бўёқ.

Малва дарахтидан тайёрланган бўёқ. Бундай бўёқни малва дарахтининг гули ва мевасидан ҳамда анор пустидан тайёрлаш мумкин. Бу бўёқ қуёш нурида тез қуриб айниб кетади.

Акварел бўёқларни сақлаш коидалари. Бўёқларни қуруқ, шамоллатилган хонада сақлаш керак. Хонада ҳарорат 9 градусдан паст ва 30 градусдан ортиқ бўлмаслиги керак.

II-боб. Тасвирий санъатдан дарсдан ташқари машгулотларда акварельда натюрморт ишлашга ургатиш технологиялари

2.1. Дарсдан ташқари машгулотларда акварельда натюрморт ишлашга ургатишни такомиллаштириш технологияси

Биз, кундалик ҳаётимизда, турмушимизда жуда куп предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг тасвир-расмларига дуч келамиз, уларни айримлари бизга ёқади, айримлари ёқмайди. Бунинг боиси шу расм ва тасвирларни яратишда композицияга эътибор берилиши ва бермаслик оқибатидир.

Маълумки, расм ва тасвирларнинг мазмуни, мақсади ва вазифасига кўра уларнинг композицион тасвири яратилади.

Композицияни тўлиқ, мазмунли, ишончли чиқиши нарсани ўзига қараб расм чизишда ғоят аҳамиятлики, бу асосан натурани шакл, тузилиши, ранги, туриш ҳолати, ёруғ-сояларни тушиши, у расм чизувчидан қанча масофада турганини аниқ белгилаш ва уни шу ҳолда ифода этилишига мутлоқ боғлиқ бўлади. Шу боисдан натура ва натюрморт элементларини расм композицияси бўйича шундай тақсимланмоғи керакки, унинг ҳар бири расм ифодасида ўз ўрнига, туриш ҳолатига, бир-бирига боғланишига кўра расм композициясини чиройли, жонли, ҳаракатчан ва томошабинга ёқимли бўлишига ёрдам бериши зарур.

Нарсани ўзига қараб расм чизишда композициянинг асосий талаби – натура ва натюрморт элементларини бир бутунлигини ташкил этиш ва бу ҳолатга шакл, ранг ва уларни мослиги, мустақиллиги ва мазмунини сақлашдир.

Шу боисдан нарсани ўзига қараб расм чизишдаги муҳим вазият расми чизиладиган натура ёки натюрмортни расм чизиш постановкаси ҳолатига келтириб олишдир.

Натюрморт тузишни ҳам ўзига хос қоидалари бўлиб, у энг аввало расми чизиладиган нарсалар натюрморт мазмунига жавоб бериши лозим. Сўнгра ундаги элементларни жойланиши ва туриш ҳолатлари, ранг ва тузилиши, шакли маълум бир тематик композиция характерини ифодалай олиши зарур.

Шу боисдан, натюрморт тузиш учун катта-кичиклиги назарда тутилган ҳолда бир-бирига мос келадиган, бир тема сюжетиға жавоб берадиган, ранг жиҳатидан ҳам бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажрата олиш мумкин бўлган рангдаги предметлар танланади ва уларни I-II-III план бўйича ва ранглари - шакллариға кўра маълум бир композицион талабда қуйиб чиқилади.

Нарсани ўзига қараб расм чизишда – композиция – бадиийликнинг бош мезони бўлиб у расмдаги ҳар бир нарсанинг яхлитлигини, реаллигини, ўзаро боғлиқлигини, мослиги ва уларни тасвирланишдаги ижодийлигини, чиройлилигини ва ёқимлилигини, бутунлилигини таъминлай оладиган бадиий услубдир. Шу боисдан нарсани ўзига қараб расм чизишда натура ёки натюрморт элементларини катта-кичиклигига, тема мазмунидаги ўрниға кўра ўз ўрниға қўйилиши талаб қилинади. Яъни, постановка элементларини катта ҳажмда-гиларини орқа томонға, ўрта катталиқдагиларини ўрта планға ва кичик ҳажмдагиларини эса олдинға қўйилиши, бу ҳам уларни рангига эътибор берилган ҳолда қўйилиши мақсадға мувофиқдир. Натюрморт элементларининг барчасини турган ўрни-макони кўриниб туриши расм композициясини муваффақиятиға ижобий таъсир кўрсатади.

Биз Т.Хруцкий, Н.Машков, Р.Ахмедов, С.Абдуллаев, З. Ковалевскаяларнатюрморт темасидаги асарларини кузатар эканмиз, улардаги композицион ечим, тартиб, мазмунни муваффақияти, жонли ва тантанавор бўлганлиги албатта натюрморт элементларини тўғри танланганлиги ва тўғри жойлаштирилганлигидан эканлигини яққол кўрамыз.

Натюрморт ишлаш укувчининг бадиий ижодкорлигини оширишда муҳим роль уйнайди. Натюрморт ишлаш айникса, тасвирий санъатнинг илмий негизини ташкил этадиган перспектива, рангшунослик, ёруғ-сояларни урганиш учун кенг имкониятлар яратади.

Оддий геометрик сиртдан ташкил топган натюрмортдан бошлаб амалий вазифаларни услубий изчиллик билан мураккаблаштириб бориш, шакли, тузилиши ва материали ҳар хил булган бир катор предметлардан

иборат натюрмортлар куйиб, уларнинг хакконий тасвирини яратиш рассомлик сирларини урганишда ишончли ва синалган йулдир.

Натюрморт, портрет, манзара, тарихий ва маиший жанрлар каби тасвирий санъатнинг узига хос мустакил жанридир. "Натюрморт" (натуре морте) аслида французча суз булиб, "жонсиз табиат" деган маънони англатади.

Натюрмортда купинча турмушда зарур булган турли буюмлар, меҳнат куроллари, сабзавот ва мевалар, гуллар, парранда ва майда хайвонлар тасвирланади, яъни натюрморт санъатида инсоннинг маиший хаёти акс эттирилади.

Натюрморт купинча чуқур фалсафий маънога эга булади.

Натюрмортлар намуналари азалдан маълумки, уларни кадимги Миср давлатида деворларга ишланган суратларда, кадимги Юнонистонда ишланган мозаикаларда учрашиш мумкин. Хитой санъатида эса мустакил жанр шаклида ривожланганлиги кузатилади. Европада натюрморт XII асрнинг охирларига келиб мустакил жанр сифатида шаклланди. XVIII асрда Франция тасвирий санъатида кенг таркалди. Бундай суратларни "Сокин хаёт", "Буюмлар хаёти", "Турмуш ранг тасвири" каби номлар билан аташди.

Натюрморт мустакил жанр булиши билан бирга мавзули суратлардаги асарларнинг мазмунини очиб беришда кумаклашувчи, уни тулдирувчи восита булиб хизмат килади. Купинча оддий буюмлар тилга кириб, сурат мазмунини китоб саҳифаси каби осонгина укилишига воқеа қачон қаерда содир бўлаётганини билиб олишга ёрдам беради.

Куйилган натюрмортни асосий гоёсини сурат текислигида тасвирлаб бериш учун яъни натура билан тасвир уртасида тула ухшашликка эришиш учун тасвирий санъатнинг ифода воситалари булган композиция, перспектива, ёруғ-соя ва рангшунослик назарияларини пухта билиш ва уларни амалда қўлай олиш талаб қилинади. Алоҳида нарсаларни аслига қараб, тасвирлаш вақтида билим ва қўникмалар ҳосил бўлади. Лекин натюрморт ишлашда вазифалар анча мураккаблашади.

Битта нарсани эмас, бир неча нарсани узаро боғланишда кисмларни бир-бирига мос булган яхлит нарса килиб тасвирлаб курсатишдан иборат булади. Шунинг учун амалий ишни кетма-кет боскичлар билан олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Натюрмортнинг каламда тасвирлаш жараёни куйидаги боскичларни уз ичига олади;

1. Куйилган натюрмортни синчиклаб, тахлил килиш;
2. Сурат текислигида тасвирни жойлаштириш;
3. Хар бир предметни улчамини перспектива коидалари асосида таккослаб белгилаш;
4. Нарсаларнинг хажмдорлигини ёруг ва соя воситаларида ишлаб чиқиш. Тасвирдаги ёруг-соя, рефлекслар нисбатини топиб, уларни натура билан муносабатини ифодалаш;
5. Расмни умумлаштириш, ортикча жойларни йукотиб, тон нисбатларини текшириш, композиция марказини бурттириб курсатиш.

Акварель бўёғи. Нарсани ўзига қараб расм ишлашни кўпроқ каламда олиб борилсада, нарсалар ранги, нарсалар ранг, шакл ва сояларини реалистик тасвирларини яратишда акварель асосий тасвирлаш воситаси ҳисобланади. Тематик расмларда эса барча фаолият фақат акварель бўёғида олиб борилади»

Акварель - италянча - сувда эрийдиган бўёқ маъносини билдириб, унинг таркибига табиий бўёқ кукуни ва боғловчи моддалар, яъни дарахтлар елими киради. Акварель, ўз номига содиқ қолиб, сувда жуда яхши эрийди. Акварель бўёғи ғоят тиниқ, тоза ва равшандир. Акварелда оқ ранг бўлмайди, унинг ўрнида бўёқларнинг тиниқ, нозик, юпқа қатлами қўлланилади. Ёки оқ юзанинг ўзи қолдириладики, бу тасвирдаги оқ ранг ўрнини ифода этади.

Акварель бўёғи қадимги Мисрда пайдо бўлиб, кейинчалик Хитой, Япония, Юнонистон, Италия ва Европа мамлакатларига таркалади.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларда акварел ва бошқа бўёқлардан жуда қадимдан фойдаланганлиги маълум.

Феодализм даврида акварел ва рангдан асосан нақш ва миниатюра санъатида фойдаланилиб, китоб безатишда ва уйларни нақшлашда кўпроқ ишлатилган. Кейинчалик, акварель билан ишлаш рассомлар ижодида, монументал декоратив санъатда, мактаб ва муассасаларни безатишда, ўқувчиларга расм чизишни ўргатишда кенг фойдаланила бошланди. Ҳозир мактабларда мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларда болаларни расм чизишга ўргатишда асосий рангтасвир воситаси бўлиб акварель бўёғи ҳисобланади.

Акварель бўёғи билан расм ишлашга ўрганишда, унинг ўзига хос тасвирлаш услублари бўлиб, бу махсус майин, юмшоқ, мўйқалам (кистлар), бўлишини талаб қилади. Мўйқаламлар учли, учсиз – бурчакли ва ёйсимон қилиб қирқилади. Ўрганиш даври учун ҳар уччаласидан бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади

2.2. *Дарсдан ташиқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатиш йўллари*

Натюрморт жанри. “Натюрморт” сўзи французча бўлиб “ўлик нарсалар (натура)” маъносини англатади. У асосан рангтасвир ва графика асарларида ишлатилади. Тасвирий санъатнинг бу жанрида гуллар, мевалар ва сабзавотлар, қушлар, балиқлар, озиқ- овқатлар, турли предметлар акс эттирилади ва у мустақил жанр сифатида XV-XVI асрларда Голландия ва Испанияда пайдо бўлган.

Натюрмортнинг икки хили мавжуд. Биринчиси мустақил равишдаги натюрморт бўлса, иккинчи ёрдамчи ёки тўлдирувчи натюрмортдир. Натюрмортни биринчи турида фақат натюрморт тасвирланса, иккинчи тури биронта портрет ёки турмуш жанридаги тасвирида қўшимча детал сифатида ишланган бўлади.

Натюрмортни характерли хусусияти бу ҳаётдан, гўзалликдан завқланишга йўналтирилганлигидир. Бу вазифани рассом гуллар, мева-сабзавотлар, озиқ-овқатларни турли кўриниш ва ранглари ифодалаб кишиларни хис- хаяжонини ўй\отиш орқали бажаради.

Натюрморт турли миллат ва элатларнинг турмуш тарзи ҳақида маълумотлар бериши ҳам мумкин.

Мутахассислар натюрмортни кишиларга икки хил таъсирини қайд қилишади. Биринчисиди, натюрморт мустақил бўлиб томошобинга ўзини кўз-кўз қилиб, ундан завқланишга чорлайди. Агарда у мева-сабзавот ва озиқ-овқатлардан ташкил этган бўлса, истеъмол қилишга чақиради.

Иккинчисиди натюрморт ўзи ҳақида эмас, у билан боʻлиқ шахс унинг эгаси ҳақида маълумот беради.. Бундай натюрмортларда кишилар акс этмасада, бироқ у натюрмортдан узоқда эмас, ҳозир у келиб қолиши мумкинлигидан дарак беради.

Натюрмортларни бу икки хили қўшилган ҳолда ифодаланиши ҳам мумкин.

Бу жанрлар рассомлардан Ж.Шарден, Ф.Снайдерс, И.Машков, П.Кончаловский, Л.Салимжоновалар шухрат қозонганлар.

Акварел билан ишлашда иш жойи талабга жавоб берадиган бўлиб жиҳозланиши керак. Шунингдек плакат ҳамда молбертдан тўғри фойдаланишни ўрганиш, қоғоз юзаларини ҳар ҳил шикастланишлардан ехтийет қилиш лозим.

Акварел бўёқ билан ишлаш техникасини пухта ўзлаштириш учун дастлабки машқларни қора тўқ жигар рангларда бажарган маъқул. Бу усулда ишлаш монохром ёки гризайл методида ишлаш деб аталади. Акварел билан ишлашда қуйидаги изчилликка риоя қилинсагина бўёқда ишланган тасвирлар талабга жавоб бериши мумкин:

1.Керакли бўёқ махсус идишда сув билан аралаштирилиб тайёрланади ҳамда қоғоз бўлагига суртиб, синаб кўрилади.

2.Қоғоз сиртига бўёқ бераётганда мўйқалам ҳамиша еритмага росмана ботириб олинган бўлиши керак.

3.Остки қаватдаги бўёқ куримагунча, навбатдаги бўёқ қавати ётқизилмайди. Кейинги қават тез қўйилиши лозим, акс ҳолда остки қават ювилиб кетиши мумкин.

4.Акварел бўёқлари билан ишлашда оқ бўёқдан фойдаланилмайди, чунки оқ бўёқ ролини оқ қоғознинг ўзи бажаради.

5.Қўйилган бўёқ қавати остидан қоғознинг сирти сезилиб туриши лозим.

Акварел билан ишлашни ўрганишда амалий машгу-лотлар муҳим аҳамият касб этади. Масалан: бир рангнинг устига иккинчисини қўшиб янги тус ҳосил қилиш машқини олайлик. Бунда қўйилган ҳар иккала ранг остидаги қоғознинг сирти сезилиб турмоғи даркор. Шунингдек, совуқ тусли ранг устидан илиқ тусли рангни қоплаш орқали янги ранг тусини ҳосил қилиш ёлларини пухта ўрганиш керак. Бундан ташқари илиқ ранг устидан совуқ тусли рангни қоплаш ёли билан ҳам қўшимча ранг тусини топиш мумкин.

Айрим холларда куйилган рангларнинг ёруғлик даражаларини бир-бирларига тэнглаштириш учун уларнинг устидан бирор рангнинг суюк кучсиз еритмаси билан коплаб чикиш тавсия етилади. Шунини есда тутиш лозимки, муайян ранг иккинчи бир ранг билан копланганда ёруғликни қайтариш хусусиятидан маҳрум бўлади..Лекин олдин қўйилган бўёқ қаватининг равшанлик даражаси ҳамда тўйинганлиги муҳим аҳамиятга ега. Устки қўйиладиган ранг қавати эса доимо оҳангдор ,жуда тиниқ бўлиши ва остидаги ранг тусини бўғмаслиги шарт. Ранг тусларини ҳаддан ташқари кўк тусда олиш ярамайди. Акс ҳолда рангли тасвирда кескин кўзга ташланадиган ранг доғчалари ҳосил бўлиши мумкин. Акварел билан ишлашда бир рангнинг ўзидан ҳар қил ранг тусларини ҳосил қилишни машқ қилиш керак.ЙОруғ оч тусдаги рангни ҳосил қилиш учун сувни кўпроқ тўк тусдаги рангни ҳосил қилиш учун эса бўёқни кўпроқ қўшиш керак.Оч тусдаги рангнинг ҳосил бўлишини амалда кўрсатиш учун сувли стаканга қизил ранг аралаштирилади.Стаканда ҳосил бўлган аралашмага тоза сув қўшишни давом еттирсак бу ранг тусининг очлашиб боришининг гувоҳи бўламиз.Аксинча аралашмага қизил ранг қўшишни давом қилдирсак мазкур ранг тусининг тўқлашиб боришини кўрамиз. Бу ҳилдаги машқларни фақат ранглар ёрдамида бир неча марта бажариб кўриш мумкин.

Ранглар тўйинганлигининг аста секин ўзгариб бориши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак.Агар хроматик ранглар таркибига ахроматик ранглар қўшилса уларнинг тиниқлиги пасаяди.Натижада рангнинг тўйинганлиги ўзгариб бошқа ранг туси ҳосил бўлади.Кул ранг қанчалик кўп қўшилса хроматик ранг шунчалик ахроматик бўлган кул рангга яқинлашиб боради.Бу ҳилдаги ёруғлик кучларини камайитириш натижасида рангларнинг тиниқлигини ё`қотиш ҳамда хира кўринишдаги рангларни олиш мумкин. Акварел билан ишлаш ,малакаларини оширишда асосий ва қўшимча ранглар устида ишлаш муҳим аҳамият касб етади. Ранг устида ишлаш усуллари

икки қисмга, асосий ранглар ва қўшимча рангларга бўлиб ўрганилади. Олинган ранг туслари эса солиштириш ёли билан аниқланади. Қўшиб топиладиган ранглар аралаштириш ёли билан ҳосил қилинади. Асосий ҳамда қўшиб топиладиган ранглар устида машқ қилинаётган пайтда натурага яқин бўлган ранг тусларини топиш керак.

Акварел бўёқларидан декоратив ва бадиий безашда ҳам фойдаланамиз. Бунда композицион тузилишлар рангларнинг ўзаро боғлиқлиги муҳим рол ўйнайди. Декоратив ва бадиий безаклар бўёқлари кўзга яққол ташланиши ва бир-бирларига монант ҳолда ишлатилиши лозим. Улардаги бўёқларнинг ранглари байрамлар, кечалар ва ёллонларга мослаб танлаб олиниши даркор декоратив ва бадиий безаклар мавсумга, мазмунга мослаб берилади. Кечаларда, ёллонлар ёки огохлантириш учун қўйилган плакатлар ва ҳоказолар кўзга яққол ташланадиган ранг билан бўялгани учун уларни ўқиш ҳам тушуниш ҳам осонлашади. Кўп ҳолларда бадиий безаш ишларида бир-бирига боғлиқ бўлган тиниқ енгил ва юмшоқ тусдаги бўёқлар қўлланилади.

Барча ҳолларда ҳам ёруғлик кучларини бир-бирларидан фарқ қилиши керак. Бу юмшоқ, нафис ёки аксинча, огир, тўқ ва ҳоказо рангларни танлаб олишда шароитга қараб иш қўришни талаб этади. Борди-ю, жуда кескин рангларни бир-бирига қўшиш керак бўлса, оқ ва қора бўёқлардан фойдаланамиз. ҳосил бўлган ранг туслари эса ёруғлик кучларининг қарама-қаршилигини бериш учун ишлатилади. Аксинча, юмшоқ, нафисроқ, шароитга тўғри келадиган қўшма (аралаштириб топиладиган) рангларни ишлатиш зарурияти туғилса, тўлдирувчи рангларнинг бирортасидан ёки бир нечтасидан фойдаланиш тавсия етилади. Ахроматик ва хроматик рангларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган ранг туслари ҳам ажойиб кўринишларни ҳосил қилади. Улардан ҳарҳил декоратив безакларнинг ишлашда бемалол фойдаланиш мумкин. Бундан оч тусдаги хроматик ранглар қора бўёқ билан аралаштирилгандан кескин

тусдаги рангларни беради. Масалан, қора ва сариқ, қора ва яшил, қора ва зарғалдоқ ва ҳоказо. Оқ бўёқдан эса тўқ тусдаги хроматик рангларга қарама-қарши кўйишда фойдаланилади. Шунингдек, декоратив ва бадиий безаш ишларида рангларнинг илиқ ва совуқ тусларидан фойдаланиш яхши натижалар беради.

2.3. *Тажриба-синов ишларини ўтказишнинг ташкилий асослари ва методикаси*

Битирув малакавий ишимиз юзасидан тажриба синов ишларини биз Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 2-9-16 мактабларда олиб бордик. Тадқиқот ишларимиз натижасида шу нар а маълум бўлдики, ҳозирги кунда мактабларда дарсдан ташқари машғулотлар олиб борилаётган бўлса-да, унга ўқувчиларнинг қанташиш даражаси унчалик ҳам яхши эмас. Чунки дарсдан ташқари машғулотларда дарслар хали ҳам анъанавий усулларда олиб борилмоқда. Тўғри анъанавий усуллардан фойдаланиш орқали ҳам сарали натижаларга эришиш мумкин, лекин ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб ўқувчиларни дарсдан ташқари машғулотларга кўпроқ жалб қилиш учун, қизиқишларини ошириш учун ноанъанавий усуллардан фойдаланилса, янада самаралироқ бўлган бўлар эди.

Биз қуйида ўз тажриба синов ишларимизда фойдаланган замонавий педагогик технологиялар асосида ёритилган, интерфаол усуллардан фойдаланиб ўтилган, ўйин тарзидаги бир соатлик дарс ишланмасидан намуна келтирамиз. Келажакда бу дарс ишланмамиздан тасвирий санъат ўқитувчилари ва тўғарак раҳбарлари ўз иш фаолиятларида фойдалансалар, самарали натижаларга эришадилар деган умиддамиз.

Мавзу: Натюрморт “Қовун ва анор ” расми.

Дарснинг мақсади:

Таълимий мақсад: предметларни ўзига қараб расм ишлаш жараёнида рангтасвирда ишлаш қобилиятини ривожлантириш.

Ривожлантирувчи мақсад: буюмларнинг шаклиб рангиб тузилиши ва уларнинг ўлчов нисбатининг ўзаро ҳамоханглигини билишга ўргатиш. Соя, ярим соя ва ёруғ жойларни рангда ажрата билиш малакаларини ошириш.

Касбий мақсад: бадиий билим савиясини ошириш.

Дарс ўтиш усули: ноанъанавий

Дарснинг жиҳозланиши:

Ўқитувчи учун: китоблар, репродукциялар, доска, бўр, тарқатма материаллар (тест, саволлар)

Натура учун: оч рангли матоб, қовун, анор, қовун тилиг

Ўқувчилар учун: расм дафтар, сув бўёғи (акварель), каламлар, ўчиргич, сув идиш, палитра (оддий оқ қоғоз)

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм-2 дақиқа
2. Кириш қисми-10 дақиқа
3. Асосий қисм- амалий иш-30 дақиқа
4. Якунловчи қисм – 3 дақиқа

Дарс интерфаол усулда олиб борилиб, ўқувчилар шахсига, рухиятига таъсир қилмаган ҳолда олдиндан табақалаштирилиб, уч гуруҳга бўлинади. Бунда ўқувчиларнинг санъат бўйича билим даражаси, амалий машғулотлардаги фаоллиги, ижодкорлик малакаларини намоён эта олиш қобилиятлари ҳисобга олинди:

1. Юқори ўзлаштирувчи
2. Қуйи ўзлаштирувчи
3. Ўрта ўзлаштирувчиларга бўлинади.

Ўқитувчи дарс жараёнида гуруҳлар орасидаги фарқни иложи борица камайитиришга, суст, тортинчоқ, дарсга беътибор ўқувчиларни фаолликка ундаш ва уларни бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтказиш орқали илғор ўзлаштирувчилар сафини кўпайитиришга ҳаракат қилади. Бундай езгу ниятларни ўзига мақсад қилиб олган ўқитувчиларга биз таклиф қилаётган "Олтин балиқ" ўйин дарси маъқул келади, деб ўйлаймиз.

Ушбу ўйин ўтилатган дарснинг маълум бир қисмига ёки тўлалигича мослаштирилиши мумкин. Бу дарснинг мақсади ва мавзусидан келиб чиқиб татбиқ этилади. "Олтин балиқ" ўйин дарси фақат тасвирий санъат дарсларидагина емас, балки бошқа фанларда ҳам ижобий қўлланилиши мумкин.

Кириш қисми.

"Олтин балиқ"

Дарс бошланмасидан аввал синф шартли уч гуруҳга бўлинади:

1. "Анҳор" гуруҳи - қуйи ўзлаштирувчилар.
2. "Дарё" гуруҳи - ўрта ўзлаштирувчилар.
3. "Денгиз" гуруҳи - юқори ўзлаштирувчилар.

Ўқитувчи: - Азиз ўқувчилар, "Олтин балиқ" ертагини биласизми?

Ўқувчилар бараварига: - Ҳа, биламиз, устоз!!!

Ўқитувчи: - Ана шу ертакда "Олтин балиқ" ушлаб олган Балиқчи чол истаган тилагини тилаши мумкин еди. Биз ҳам сизлар билан бугун "Олтин балиқ" ушлашимиз ва Билимлар уммонига йетиб боришимиз керак бўлади. У ерда сизни катта бахт ва омад кутмоқда. Аммо бу ҳозирча сир бўлиб туради.

Ўқувчилар: Биз "Олтин балиқ"ни қандай ушлаймиз?

Ўқитувчи: Яшанг, тўғри савол. Ҳозир тезда бунга жавоб топасиз. Гуруҳларингиз номи бежиз "Анҳор", "Дарё", "Денгиз" деб қўйилмаган. Қани, айтинг-чи, далаларимизни яшнатувчи, екинларимизга жон бағишловчи ариқларимиздаги сувлар қаердан оқиб келади?

Ўқувчилар: - Тоғлардаги

Жилғалардан, булоқлардан.

Ўқитувчи: - Тўғри, жилғалар ҳам тоғлардаги ериётган қорлардан ҳосил бўлади ва ариқларга, ариқлар анҳорларга, анҳорлар дарёларга, дарёлар денгизларга, денгизлар ҳам ўз навбатида океанларга, яъни уммонларга қўйилади. Уммонлардаги сувлар еса вақти-вақти билан буғланиб, ҳавога кўтарилади ва ёмғир, қор шаклида қайтадан табиатга, йер юзасига ёғади. Кўриб турибсизки, оддий бир жилғалардан ташкил топган сувлар катта уммонларга айланади. Халқимиз бежиз "Тома-тома кўл бўлур" дейишмаган. Сизнинг гуруҳларингиз ҳам охири Билимлар уммонига йетиб бориши керак. Бунинг учун берилган савол, тест ва топшириқларни тўғри ва мукаммал бажаришингиз лозим.

Ҳар бир гуруҳга ёки гуруҳ ўқувчисига учтадан билет берилади. Билетларда ўқитувчи томонидан тузилган махсус тест саволлари бўлади. Сизларнинг билет саволларига жавобларингиз қуйидагича тақдирланади:

1. Учта билетга тўғри жавоб учун - "Олтин балиқ".
2. Иккита билетга тўғри жавоб учун - "Кумуш балиқ".
3. Битта билетга тўғри жавоб учун - "Зоғора балиқ".

(Олтин, кумуш ва зоғора балиқ, олдиндан қирқилган, чизилган ва бўяб тайёрланган бўлади)

Билет тарқатилаётганда гуруҳ ўқувчиларининг билим даражаси ҳисобга олиниши шарт.

Саволлар оддийдан мураккабга, осондан қийинга усулида бўлиши лозим, токи ҳар бир гуруҳ жавоб бериш жараёнида ўзини еркин ҳис қилсин. Қуйи, ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг суст руҳий психологияси, фаол оптимистик руҳга томон ўзгарсин. Уларда ўзига ишонч ҳисси пайдо бўлсин.

Берилаётган билетлар мазмуни ўқувчиларга маълум бўлмаслиги, сирли бўлиши керакки, улар ўртасида ётирозлар келиб чиқмаслиги учун ўқитувчи яна бир нарсга ётибор бермоғи лозим.

Билетлар тарқатилгач, 2 гуруҳлар жавоб беришга ўтади. Иложи борича дастлаб "Анҳор" ва "Дарё", сўнг "Денгиз" гуруҳларидан сўралади.

1. Учта билетга тўғри жавоб учун - "Олтин балиқ", юқори балл.
2. Иккита билетга тўғри жавоб учун - "Кумуш балиқ", ўрта балл.
3. Битта билетга тўғри жавоб учун - "Зоғора балиқ", қуйи балл

Ҳар бир 4-билет - қўшимча савол бўлиб, ўқувчилар билимини рағбатлантириш учун берилиши мумкин.

Ўқувчилар тарқатма материалларга тайёргарлик кўришаётганда ўқитувчи парталарни оралаб, уларнинг уй вазифаларини, яъни "Натюрморт"нинг қаламтасвирини текшириб чиқади, ишланиш даражасига қараб тақдирлайди.

Ўқитувчи гуруҳларнинг билетларига берган жавоблари, уй ишларини қиёсий текшириш натижасига, гуруҳ аъзоларининг фаоллигига, одоб ва

интизомий маданиятига қараб ғолиблар аниқланади. "Олтин балиқ" соҳиблари қуйи гуруҳдан юқори гуруҳга ўтказилади.

Ўқитувчи: - Болалар, есингизда бўлса, дарсимиз бошида бир "сир" бор деган едик. Мана энди ўша сирни очамиз. Билимлар уммонидаги сеҳрли оролда "Нафосат" деб аталмиш мамлакат бор. У йерда истеъдод соҳиблари бўлган рассомлар, наққошлар, ҳайкалтарошлар, меъморлар яшаб, нафис санъат асарларини яратишади. Буни, қарангки, бугунги енг кўп "Олтин балиқ" тутишга муяссар бўлган ўқувчимиз (кўп "Олтин балиқ" тўплаган ўқувчининг исми ва шарифи) ... - "Нафосат мамлакатининг кироли" деб тан олинди ва унга "кироллик олтин тожи"ни кийдирамиз. (Аввалдан тайёрланиб, беркитилган ҳолда турган тож ғолиб бошига кўндирилади.) Келинглари, болалар, дўстимизни "Нафосат" салтанати билан табриклаймиз. Яшасин, "кирол"! Синфда кўтаринки руҳ пайдо бўлади.

Ўқитувчи: - Мана, азиз ўқувчилар, сизлар ушлаган ёки тўплаган балиқлар евазига анҳордан дарёга, дарёдан денгизга, денгиздан океан-уммонга йетиб келдингиз. Бу Уммон - Билимлар уммонидир. Сиз "олтин балиқ" амри билан тасвирий санъатга оид кўплаб атамаларни, тасвирий санъат тур ва жанрларини билиб олдингиз. Бу еса келгуси дарсларимизда сизларга дарсни муваффақиятли ўзлаштиришда ҳамкор бўлади. Билсангиз, биз олдинги дарсимизда натурадан "Натюрморт"нинг қалам тасвирини ишлаган едик. Ҳозир еса дарсни давом еттириб, буюмларнинг ўзига қараб тасвирлашда акварел - сув бўёқларидан фойдаланишни ўрганамиз. "Ранг - нафис санъатнинг жонидир".

Асосий қисм. Амалий иш. Натюрморт.

Натюрморт - франсузча сўз бўлиб, "Жонсиз табиат" деган маънони англатади. Мевалар, гуллар, қуш ва ҳайвон тулумлари, сабзавотлар, полиз екинлари, ўқув қуроллари, уй-рўзғор жиҳозлари тасвирланган сурат - "натюрморт" дейилади.

Натюрмортлар ишлаш илк бор XVIII аср бошларида Голландияда урф бўлди. Голланд рассомлари ўз асарларида оддий жонсиз нарсалардан "шоҳ"

ижод намуналари яратишган. Улар бугунги кунда жаҳоннинг энг йирик музейларида сақланмоқда.

Рус рассомларидан Т.Хруцкий, И.Машков, Ф.Кончаловскийларнинг гуллардан, мевалардан иборат натюрмортлари, айникса, машхурдир. Ўзбекистонлик рассомлардан Ю.Елизаров, Н.Кашина, Ю.Талдикин, Р.Аҳмедов, С.Абдуллаев, И.Салимжонова ва бошқа кўплаб мўйқалам соҳибларининг асарларидан сахий ва серкуёш ўлкамизнинг нафаси барқ уриб туради.

Натюрморт жанри рассомлар учун йирик, тематик композициялар яратишда тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилади.

Натюрморт тузишнинг асосий қоидаларига тўлиқ амал қила олиш мутахассис ўқитувчидан ўзига хос ижодий изланишни талаб қилади. Натюрморт композициясида симметрия, асимметрия, мувозанат, ритм, ҳаракат, иккинчи даражали нарсаларнинг асосий буюмга бўйсунishi, кўриш маркази, композицион марказни бўрттириб кўрсатиш каби қоидалар мавжуд. Одатда композицион марказ иккинчи планда жойлашади. Тасвирланаётган нарсаларнинг жойлашиши аҳамиятга моликдир. Расмда тасвирланаётган буюмлардан каттаси орқароқда, майдалари еса олдинда, яъни бири иккинчисини биров бекитиб турадиган қилиб қўйилади. Натюрморт таркибига кирадиган нарсалар шакли, ҳажми, материали, ранги ва оч-тўқлиги билан бир-биридан фарқ қилиши керак.

Қўйилмадаги (натюрморт постановкаси) биринчи планда тўқ рангли анор, ундан очроқ рангдаги қовун тилиги ва орқада, марказроқда тўқ сариқ қовун жойлаштирилган. Фон қўйилмада катта аҳамиятга ега. Бугун биз оч оқиш рангли матони фон учун танладик. Мато нафақат фон учун, балки қўйилмадаги буюмларни майин боғлашга ёрдам беради.

Натюрморт ишлаш жараёнида аввало ёритилганлик даражасига еътибор қилинади. Соя, ярим соя, тўқ соя, ёруғ жой (блик) ва рефлекс ажратиб олинади.

1. Нарсалар сиртида енг кўп ёруғлик қайтаётган жой - "ёруғ жой" деб аталади.

2. Нарсаларнинг соя қисми охиридаги ёруғликнинг синиб қайтиши - "рефлекс" дейилади.

3. Нарсадаги соянинг бошланғич қисми - "ярим соя", асосий қисми "тўқ соя" деб аталади.

4. Буюмнинг ўзидаги сояси - "хусусий соя", ундан текисликка тушаётган сояси - "тушувчи соя" дейилади.

Ранглар билан ишлаш нарсалардаги ёруғ жойларни оч рангларда бўяш орқали бошланади. Сўнг:

А) қовун, анор, қовун тилигидаги ёруғ ва соя жойларни қизил, зарғалдоқ ва оч яшил, кўк ранглар билан ажратилади.

Б) Натюрмортни бўёқда тасвирлашда рангларнинг тўйинганлиги муҳим рол ўйнайди. Айниқса, натюрмортдаги мавжуд иссиқ ва совуқ рангларни, шуълаларни ўз ўрнини топиб ишлатиш зарур.

Бўёқларни устма-уст суриш ё`ли билан ёруғ, равшан тусдан тўқ тусга қараб борилади.

В) Натижада, ранг тусларининг ўзаро боғлиқлик хусусиятлари сақлаб қолинади.

Ўқитувчи ўқувчилар ишини кузатиб борар экан, уларга чизилаётган буюм билан унинг расм дафтаридаги тасвирни солиштириб боришни, дастлаб унинг йирик ҳажми шакллари, кейин майдароқ деталларни тасвирлашга ўтишини, ранглар танланаётганда, фақат асосий ранглар ишлатмасдан, палитрада натурага қараб ҳосила ранглар топишни тавсия қилади.

Г) Улар йўл қўйган хатолар бевосита тузатилиб, камчиликлар бартараф етилади. Ўқувчиларнинг иш жойини ташкил етишларига диққат қаратилиб, сувни ортиқча сарф қилмаслик, дафтарни ифлос қилмаслик, рангларни бетартиб аралаштириб юбормаслик чоралари кўрилади.

"Кўргазмалилик - таълим дидактикасининг олтин қондасидир", деб ёзган еди атоқли устоз, мутафаккир Ян Амос Коменский. Ўқитувчининг синф доскасига ёки ўқувчи расм дафтарига чизиб кўрсатган натуравий хонаки расмлари кўргазмалиликнинг яққол намунасидир. Баъзан расм муаллимлари, айниқса, мутахассис бўлмаган ўқитувчилар доскага тайёр чизилган ёки чиздирилган кути (яшик), гул расми намунасини қўйиб "чизиб олинглар" дейди-да, миқ етмай ўтираверадилар. Бу еса охири-оқибат тасвирий санъат фанининг обрўсини туширади, болаларнинг расмга бўлган қизиқишларини сусайтириб юборади.

Амалий машғулотларда "Ранглар камалаги", "Ахроматик ва хроматик ранглар", "Натюрморт чизиш босқичлари" каби жадваллардан, мавзуга оид рангли репродукциялардан, диафильм ва эпидоскоплардан фойдаланилса, дарс янада самарали ва мазмунли ўтади.

Якуний қисм.

Нарсаларни ўзига қараб чизиш дарслари бевосита табиат ва борлиқ билан боғлиқ бўлиб, ўқувчиларда рангшуносликка оид бадиий билимларни егаллашда катта ёрдам беради. Ўқитувчи дарсни якунлар экан, ишланиш жиҳатидан маъқул деб топилган ўқувчилар расми, қолганларга намуна сифатида кўрсатилади ва уйга "Натюрморт" мавзусини тўлиқ тугаллаб келиш топширилади. Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, дарсга, қайси фан бўлишидан қатъи назар, илмий ёндашсак, машғулотларимизда янги педагогик технологиялардан, ноанъанавий дарс ўтиш усулларида ижодий фойдалансак, ўз мақсадимизга тезроқ етамиз. Зеро, бусиз ўқувчилар меҳрини қозониш мумкин эмас.

Умумий хулосалар ва илмий методик тавсиялар:

Тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларнинг муваффақияти қай жихатдан болаларни фанга бўлган қизиқишларини шакллантириш ва доимий равишда ошириб боришга боғлиқ фанга қизиқиши бўлмаган боладан яхши натижа кутиб бўлмайди. Шунингдек, ўқувчи дарсдан ташқари машғулот жараёнида бирорта натижани онгли равишда қўйганда ҳамда унга эга бўлишга ишонч ҳосил қилгандагина фанга қизиқиш пайдо бўлади. Тасвирий санъатдан дарсдан ташқари машғулотларга ўқувчиларнинг қизиқишларини оширишнинг бир катор йўллари мавжуд:

- Машҳур санъат намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди юзасидан суҳбатлар ўтказиш, фильмлар намойиш этиш, альбомлар тайёрлатиш;
- Санъатнинг моҳиятини болалар онгига сингдириш;
- Озгина бўлса ҳам болаларни эришган ютуқларини қайд қилиш ва рағбатлантириш, уларни ишларини синфдаги барча ўқувчиларга намойиш этиш;
- қизиқарли бўлган санъат асарлари ҳақида суҳбат ва мунозаралар ўтказиш;
- муваффақиятга эришган ўқувчиларнинг ишларидан кўргазмалар ташкил этиш, уларнинг ишларини туман, шаҳар, вилоят кўргазмаларига тавсия этиш;
- ҳар бир дарсдан ташқари машғулотда ўқитувчи болаларга янги билим, тушунча ва малакалар бериш;
- тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларини ўйин мусобақа тарзида ташкил этиш (викторина, кросворд, чайнворд ечиш) ва ҳоказолар.

Тасвирий санъатдан дарсдан ташқари машғулотларга ўқувчиларни қизиқтириш ишлари тўғри йўлга қўйилганида, уларнинг ўз қизиқишлари, майллари, қобилиятлари ва бошқа сифатларидан келиб чиқиб келажагини тўғри белгилаб олишини таъминлайди ва бу орқали биз жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида ўз касбини маҳорат даражасида эгаллаган, мустақил ва

иждодий фикрловчи мутахассисларга эга бўламиз.

Битирув малакавий иш мавзусининг ҳозирги кундаги аҳамияти ва долзарблигини инобатга олиб биз қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Тасвирий санъатдан дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг мақсад вазифалари ишлаб чиқилди.
2. Тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг мазмун ва моҳияти ёритиб берилди.
3. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижасида ўқувчиларни машғулотлар жараёнида акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг усуллари ишлаб чиқилди.
4. Тажриба-синов ишларида барча ўқувчиларнинг акварель ва натюрморт тўғрисидаги маълумотлари текшириб борилди.

Тадқиқот натижалари ва хулосалари асосида қуйидаги илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

- замонавий талаблар ва фан-техника тараққиётидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг ўз касбини онгли равишда тўғри белгилаш ва шу асосда тегишли билимларни пухта эгаллашларига эришиш.

- Тасвирий санъатда дарсдан ташқари машғулотларда акварельда натюрморт ишлашга ўргатишнинг самарали тизимини яратиш.

Хулоса қилиб айтганда акварельда натюрморт ишлашни ўқувчилар амалий машғулотлар даврида ўрганиб борадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон. 1998. - 686 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда.-Т.: Ўзбекистон. 1999. - 37 б.
3. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т.: Шарқ. 1997. - 63 б.
4. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 6-махсус сони. Т. 1999 й.
5. Н.Ростовцев. Ўрта мактаб тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. М. 1980 й (рус тилида)
6. Р.Ҳасанов. Нарсани ўзига караб расм чизиш. Т. 1968 й.
7. Б.Орипов. Тасвирий санъат ва чизмачилик кабинети, синфдан ташқари ишлар. Т. 1974 й.
8. Б.Орипов. Тасвирий санъат дарслари самарадорлигини ошириш омиллари. Т. 1978 й.
9. Е.В.Шорохов. Композиция асослари. М. 1979 й. (рус тилида).
10. Б.Н.Орипов. Тасвирий санъатни ўқитиш услубиёти. Н. 2001 й. (ўқув кўлланма).
11. Б.Н.Орипов, Б.Б.Орипов. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. (дастур). Н. 2001 й.
12. М.Набиев, Б. Азимова. Расм чизишни ўргатиш методикаси.Т.1976й.
13. Б.Орипов. Расм чизиш ва уни ўқитиш методикаси (дастур).Т.1986 й.
14. Р.Ҳасанов. Тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш. Т. 1986 й.
15. Р.Ҳасанов. Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари.Т.1983й.
16. К.Қосимов. Наққошлик тўғараги. Т. 1990 й.
17. Б.Орипов, А.Турдалиев. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. Т. 1991 й.
18. Р.Ҳасанов, Х.Эгамов. Мактаб тасвирий санъат дарслари. Т. 1995 й.

19. Р.Хасанов. Умумий таълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси. Т. 1995
20. Н. Абдуллаев Санъат тарихи. Т-1987 й.
21. Б. Азимова Натюрморт тузиш ва тасвирлаш методикаси Т-1984й
22. Б. Жаборов. Рангшуносликка оди айрим атама ва ибораларнинг изохли луғати Т-2001 й
23. Н. Норматова. Тасвирий санъат атамалари луғати. Ўзбекистон бадиий академияси Т-1998 й.
24. Рангтасвир. Тасвирий санъат дарсликлари. Москва. 1995 й
25. Хасанов Р. Тема асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия. – Т, Ўқитувчи, 1980.
26. Хасанов Р. мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари. – Т, Ўқитувчи, 1986.
27. Хасанов Р. Бешинчи синфда тасвирий санъат дарслари. – Т, Ўқитувчи, 1987
28. Хасанов Р. Эгамов Х. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат дарслари. Биринчи синфлар учун методик қўлланма. – Т, Ўқитувчи, 1897.

Интернет маълумотлари

1. [http :// www. uz](http://www.uz)
2. [http: // www. ziynet. uz](http://www.ziynet.uz)
3. [http :// www. google.uz](http://www.google.uz)
4. [http : // www. san'at.uz](http://www.san'at.uz)



